

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-
демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларини
сайлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан (бундан кейин – Партия)дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоларини сайлаш тартиби (бундан кейин – Сайлов)ни белгилайди.

2. Сайлов партия Устави, Дастури, Сайловолди дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти тўғрисидаги Низом, партиянинг сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилади.

II. Сайловдан кўзланган мақсад

Сайлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда парламент фаолиятига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, парламентда Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, эркин фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарга эга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган ёшларни мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, йигит ва қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали ватанга, ўз халқига садоқат туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этилади.

III. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгаш раислари зиммасига юклатилади. Улар сайловнинг ташкилий масалаларига оид ҳужжатларни, ташкилий қўмита аъзоларини тасдиқлайди.

2. Сайлов икки ярим йилда 1 мартаба 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич: тегишли округдаги туманларда саралаш босқичи (23 январь - 6 февраль оралиғида);

2-босқич: партиянинг вилоят кенгашидаги босқичи (6 – 15 февраль оралиғида);

3-босқич: якуний (республика) босқичи (15 – 22 февраль оралиғида).

IV. Ташкилий кўмита

1. Сайлов жараёнида уч босқичда ҳакамлар ҳайъати ва ташкилий кўмиталар тузилади:

Туман (шаҳар) партия ташкилотлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий партия ташкилотлари;

Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси.

2. Ҳакамлар ҳайъати Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитасида 9-11 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 7-9 нафар ҳамда туман(шаҳар) Кенгашларида 5-7 нафар таркибда тузилади.

Ушбу тузилмаларга ҳудудий, туман (шаҳар) ҳамда Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси раҳбарлик қилади.

Тузилмалар таркибига Ёшлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатлари, жамоатчилик ташкилоти вакиллари ҳамда партия аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

3. Ташкилий кўмита аъзолари сони Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан белгиланади.

4. Туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ҳакамлар ҳайъати ушбу босқичдаги саралаш жараёнида энг фаол номзодларни Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмита ҳузуридаги ҳакамлар ҳайъатига тақдим этади. Ҳакамлар ҳайъати ушбу Низом бўйича номзодларни кўриб чиқиб, якуний қарор қабул қилади.

V. Сайлов шартлари

1. Сайловда саралаш босқичига ҳужжат топширилган куни 18 ёшга тўлган, лекин 30 дан ошмаган, олий (тугалланмаган олий) маълумотга эга, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, партияга аъзо бўлган фаол ёшлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ёрдамчилари Ёшлар парламентида номзод сифатида кўрсатилади.

2. Қуйидагилар сайловда номзод сифатида рўйхатга олинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати, Сенат аъзоси, халқ депутатлари вилояти, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари;

партияга аъзо бўлмаган ёшлар;

муомалага лаёқатли бўлмаган ёшлар;

содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган ёшлар.

3. Иштирокчилар томонидан сиёсий партиёга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

номзод тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода этган ҳужжатлар (ҳисоб карточка, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва 3x4 ҳажмдаги сифатли расми);

партияга аъзолик гувоҳномаси нусхаси;

номзоднинг турли соҳаларда эришган ютуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (давлат мукофотлари, сертификат, диплом, фахрий ёрлик ва бошқалар);

оммавий ахборот воситаларида фаол иштирокини тасдиқловчи материаллар;

номзоднинг партиёнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган таклифлари ифода этилган лойиҳа;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш борасидаги ишларини тасдиқловчи ҳужжатлар (илмий ва илмий-оммабоп мақолалари, тарғибот расмлари);

номзоднинг ёшларга оид давлат сиёсатига доир қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган сайловолди дастури (тақдимот кўринишида ҳам).

Сайловга тақдим этилаётган ҳужжатларни ўзбек ва рус тилларида тақдим қилиш мумкин.

4. Биринчи босқичда партиё номзодларнинг ушбу Низомнинг 1 - 3 бандларига мувофиқлиги жиҳатларига эътибор қаратади.

5. Иккинчи босқичда партиё номзодларнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратади:

қонунчилик соҳасидаги билим ва тажрибаси;

қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар;

сиёсий партиё фаолиятидаги фаоллик даражаси;

сиёсий партиё фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, шунингдек, сиёсий партиёнинг устави (низоми), дастурий мақсадларини билиш даражаси;

давлат бошқарувига оид билим ва тасаввурлари;

жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги қарашлари;

ОАВдаги фаоллиги, ўз ортидан ёшларни эргаштира олиш салоҳияти; ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг даражасини ифода этувчи ҳужжатлар.

6. Сайловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

7. Учинчи босқичда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан саралаш босқичида тавсия этилган номзодлар ўртасида сайловолди дастури юзасидан тақдимот ўтказилади.

8. Тақдимот натижаларига кўра, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда эгаллаган ўрнига мос равишда муносиб номзодларни яширин овоз бериш йўли орқали (маъмурий-худудий бирлик асосида) сайлайди.

Бунда хотин-қизларнинг сони аъзоликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

9. Сайловда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилади:

номзодларнинг сайловолди дастурлари ёшларга оид муаммолар ва таклиф этилаётган ечим йўллари;

ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берган таклифлари;

номзодларнинг нотиклик маданияти, лойиҳа мазмунини тингловчиларга етказиши;

билимли ва ҳозиржавоблиги.

10. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан партия фаолиятида ўз билими ва иқтидорини кўрсатган, унинг имиджини кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилиб, намунали хулқи билан бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган ёшларга устунлик тақдим этилиши мумкин.

VI. Низомнинг кучга кириши

Мазкур Низом партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

VII. Яқуний қоидалар

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ишлар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан бажарилади.